

Бу маколани ёзишимга хаётда ўзим учратган икки воқеа сабаб бўлди. Дастлаб сизларга бир ривоятни эслатиб ўтмоқчиман. Чунки бу ривоят бизнинг мавзуимизга жудаям боғлиқ.

Қадимда бир одам эрқарок ўғлини донишманднинг хузурига олиб бориб, «шу фарзандимга насиҳат қилиб қўйсангиз, ширинликни қўп ейди», дебди. Донишманд бир ҳафтадан сўнг келишларини айтибди. Ота бир ҳафтадан сўнг ўғлини яна олиб борибди. Шунда донишманд халиги боланинг бошини силаб «ширинликни қўп емагин, зарари бор», дебди. Бундан хайрон бўлган отаси «шу бир оғиз гапни айтиш учун бир ҳафта куттирдингизми?» дебди. Донишманд эса «мен ўзим ширинликни қўп ердим, болага насиҳат қилиш учун эса бир ҳафта нафсимни тийиб, ширинлик емадим, чунки одам олдин ўзи амал қилиб, сўнгра насиҳат қилса, қор қилади, акс холда фойдаси йўқ», деган экан.

Энди бундан бир неча йиллар муқаддам мен гувоҳи бўлган бир воқеага тўхталиб ўтмоқчиман. Бир ташкилотда маҳаллий журналистлар учун йигилиш бўлди. Йигилишни олиб боровчи журналист қутилмаганда рус тилида гап бошлаб, бу ерда ўзбек тилини билмайдиган журналистлар ҳам борлигини, шунинг учун йигилишни рус тилида олиб боришини айтди. Эътибор берсам, ўзбек тилини билмайдиганлар 4 киши, қолган 30тача одам ўзбек. Хуллас, йигилиш рус тилида ўтказилди. Ҳеч ким «нима учун шунча киши 4та одамни деб ўзга тилда гапиришимиз керак?» демади. Ваҳоланки, Ўзбекистон мустақил давлат, унинг давлат тили - ўзбек тили. Бу қонун билан қабул қилинган. Шундай экан, нега энди йигилиш ўзбек тилида олиб борилмаслиги керак? Агар 4 та журналист ўзбек тилини билмаса, бу уларнинг муаммоси. Чунки, ўзбек тили давлат тили бўлганига 20 йилдан ошди. Шу юртда яшагандан кейин давлат тилини билиши, ўрганиши керакми, йўқми? Нега энди санокли бир неча кишини деб, бошқалар ўз она тили, давлат тилини бир четга суриб, ўзга тилда гапириши керак? Хурмат юзасидан дейсизми? Унда ўз она тилимизнинг, давлат қонунининг, маҳаллий ўзбек журналистларининг ҳурмати қаерда қолди?!

Яқинда яна бир воқеа бўлди. Мажлисда яна русча сўзлашув бошланди. кизиг-а, бу сафар ҳамма ўзбек эди. Мажлис олиб бораётган одам ҳам ўзбек, фақат ўзбек тилини яхши билмайди. Энг ачинарлиси, бизнинг қўлимизга берилган қўлланма ҳам ўзбек тилида эмас. Бир тасаввур қилиб қўринг, бошқа бирон мамлакатда шундай иш қилишармиди? Сиз бирон хорижий давлатга бориб қолсангиз, сизни тушунсин деб ўзбек тилида гапиришмайди-ку! Энг кизиги ҳеч ким мик этмай тинглаб ўтирарди. Мен, кимдир гапирармикан, деб қутдим. Афсус ҳеч кимдан садо чикмади. Чунки ҳеч ким эътироз билдириб, ёмон қўрингиси келмасди. Ачинарли ҳолат, ҳатто фожеа деб аташ ҳам мумкин. Сабаби, ҳамма нотўғри иш бўлаётганини қўриб турибди. Аммо ҳақиқатни айтишга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди. Ҳақиқатни айтиб ёмон қўрингандан қўра, ҳақиқатдан воз кечиб манқурт бўлишни афзал санашарди. Мен эса тишимни тишимга қўйиб ўйланардим: «гапирайми, йўқми?». Агар ҳозир ичимдагини айтмасам, ҳато бўлишини тушуниб етдим. Нега хужжат ўзбекча эмаслигини айтдим. Ахир қачонгача раҳбарга ёмон қўринишдан қўркиб, унинг хатоларига индамаслик мумкин?! Бундай ҳолат тараккётнинг илдизига болта уришини ўйлашимиз керак. Чунки, ўша бошлиқча ҳам ўзимизга ўхшаш бир

банда, у хам хато килиши мумкин, хадеб «сизники тўгри» деб ўтираверсак жамият хато-камчиликларга тўлиб кетишини нега ўйламаймиз?! Эртага эса ўша муаммоларни бартараф этиш кераклиги хакида бош котириб коламиз. Ўз вақтида эътироз билдириб, хатонинг олдини олишга эса юрагимиз бетламайди, ўз тинчимизни ўйлаймиз. Билмаймизки, ўз тинчимизни ўйлаб мум тишлашимиз эртага кимматга тушиши мумкин.

Энди эса яна ривоятга кайтсак. Демак, одам аввал ўзи амал килиб, сўнгра насихат килса, одамларга таъсир килар экан. Энди бир ўйлаб кўринг, бугунги кунда биз журналистлар ўзликка кайтиш, кадрият хакида бонг урамиз. Аммо мажлисларда ўз тилимизни кўйиб, бошка тилда гапирсак, бизнинг миллий кадриятлар хакидаги гапларимиз кимга хам таъсир киларди. Энг мухими шуки, биз эътибор бермайдиган бу иллатлар ёмон кўринишдан кўркиб юввош ўтириш, огизда бир гапни айтиб, амалда унинг аксини килиш бизни хам кўп муаммоларга дучор килади.